

**Journal of Social Research in Uzbekistan**



**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**  
 journal homepage:  
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>



**THE PHOTOS WHICH ARE STORED IN THE NATIONAL ARCHIVES OF FILM,  
PHOTOGRAPHIC AND SOUND DOCUMENTS OF UZBEKISTAN ARE VALUABLE  
HISTORICAL SOURCES**

**Odil Khazratkulovich Suyunov**

*chief specialist*

*"Uzbekiston Arxiv" agency under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

---

**ABOUT ARTICLE**

---

**Key words:** Kinofotofono, archive, source, history, photo.

**Received:** 05.02.24

**Accepted:** 07.02.24

**Published:** 09.02.24

**Abstract:** The article considers the issues of popularization of little-known to the general public valuable photo documents of the National Archives of Films, Photographic and Sound Documents of Uzbekistan, reflecting the life and creativity of famous figures of culture of the republic, shows the role of photo documents as an important source of coverage of literary life of Uzbekistan in 50-60 years of the 20th century.

---

**ЎЗБЕКИСТОН КИНОФОТОФОНО ҲУЖЖАТЛАРИ МИЛЛИЙ АРХИВИДАГИ  
ФОТОЛАР ТАРИХНИ ЁРИТИШДА МУҲИМ МАНБА**

**Одил Хазраткулович Суюнов**

*бош мутахассис*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги  
Тошкент, Ўзбекистон*

---

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

---

**Калит сўзлар:** Кинофотофоно, архив, манба, тарих, фото.

**Аннотация:** Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви фондида сақланиб келинаётган республикаимиз машҳур кишиларининг ҳаёти ва ижоди акс этган ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ўта қимматли фото ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказиш ва XX асрнинг 50-60 йилларида Ўзбекистонда кечган адабий жараёнларни ёритишда архивнинг фото ҳужжатлари муҳим манба эканлиги ёритиб берилган.

---

## ФОТОДОКУМЕНТЫ НАЦИОНАЛЬНОГО АРХИВА КИНОФОТОФОНОДОКУМЕНТОВ УЗБЕКИСТАНА – ЦЕННЫЕ ИСТОРИЧЕСКИЕ ИСТОЧНИКИ

**Одил Хазраткулович Суюнов**

*главный специалист*

*Агентство «Узбекистон Архив» при Министерстве юстиции Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Кинофотофоно, архив, источник, история, фото.

**Аннотация:** В статье раскрываются вопросы популяризации малоизвестных ещё широкой общественности особо ценных фотодокументов Национального архива кинофотофонодокументов Узбекистана, отражающих жизнь и творчество известных деятелей культуры республики, показана роль фотодокументов как важного источника освещения литературной жизни Узбекистана в 1950-1960 годах.

### КИРИШ

Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви фонди ҳужжатлари тарихийлиги XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Ўзбекистон ҳудудида суратга олиш, кинематография ва овоз ёзиш техник воситаларининг тарқалиши бошланди. Шу муносабат билан янги турдаги манбалар пайдо бўла бошлади.

XX асрнинг бошларига келиб мазкур ҳужжатлардан сиёсий ва ижтимоий, маданий мақсадларда фойдаланиш учун бир жойда тўплаш ва сақлаш эҳтиёжи туғилди.

Хусусан Туркистон республикаси ХКСнинг 1921 йил 25 январдаги қарорига биноан ташкил этилган архивларда қўлёзма ҳужжатлар билан бирга нашр қилинган материаллар ва фотоҳужжатлар ҳам йиғила бошланди. Мазкур ҳужжатларни сақлаш чоралари кўрилди. Ушбу жараён 1935 йил Марказий давлат архиви таркибида фото бўлимини ташкил этилганидан сўнг янада тартибли равишда амалга оширила бошланди.

Бироқ 1939 йилда бўлим ёпилгандан сўнг фотоҳужжатлар 1943 йилгача, яъни кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архиви ташкил этилгунча назоратсиз қолди. Бу ҳол республика тарихига оид кўпгина кинофотофоно ҳужжатларнинг йўқолишига ёки уларга шикаст етишига сабаб бўлди.

1943 йил 18 мартда Тошкент шаҳрида 25м<sup>2</sup> майдон ажратилиб, бу ерда кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви ташкил этилди. 1960 йилларда ҳукумат вакилларида иборат бўлган махсус комиссия томонидан амалга оширилган текширишлар натижасида мазкур архивни қайта ташкил этиш борасидаги бир қатор асосли хулосалар ёзилди. 1973 йил февралда Ўзбекистон ҳукумати томонидан “Республика архив ишини қайта

ташкил этиш тўғрисидаги” қарор қабул қилиниб, унга асосан кино, сурат, овозли ҳужжатлар марказий давлат архиви қайта тикланди.

1974-йилдан Ўзбекистон ССР кинофотофоно ҳужжатлар Марказий давлат архиви ва 1991-йил сентябрдан Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви деб номлана бошланди.

Нихоят Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 20 сентябрдаги фармонида мувофиқ Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архиви деб номланди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архиви - Марказий Осиёдаги энг йирик ва Ўзбекистондаги ягона, махсус ҳужжатлар сақлови учун ихтисослашган архив ҳисобланади. Ушбу архив Ўзбекистон Республикасида ўз соҳасига тегишли бўлган махсус ҳужжатлар билан ишлашда илмий-услубий марказ сифатида ҳам фаолият юритади.

Архивда Ўзбекистон ва Туркистон ўлкасининг XIX асрнинг 60-йилларидан то ҳозирги вақтгача бўлган даврларига оид тарихни ўзида акс эттирган ноёб ҳужжатлар йиғилган. Архивда умумий ҳисобда 300 000 (уч юз минг) сақлов бирлигидан ошиқ ҳужжатлар сақланади. Шулардан 20 мингдан ортиқ сақлов бирлиги киноҳужжатлар, 265.000 минг сақлов бирлигидан кўпроқ суратли ҳужжатлар, 15.000 сақлов бирлигидан ошиқ овозли ҳужжатларни ташкил этади.

Фотоҳужжатнинг сақлов бирлиги сарлавҳаси фотоальбом, слайд, негатив номи ва тасвирининг тавсифи, муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исмлари, тасвирга олинган жойи ва санасини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архивида фонд ва йиғмажилд тушунчалари ишлатилмайди, яъни ҳар бир ҳужжат алоҳида сақлов бирлигида ва алоҳида архив рақами билан ҳисобга олинади. Архивда ҳужжатлар 3 та даврга бўлиниб сақланади булар:

- Туркистон мустамлака даври 1917 йилгача;
- совет даври 1917-1990 йиллар;
- мустақиллик даври 1991 йилдан - ҳозирги вақтгача.

Биргина совет даврини олиб қарайдиган бўлсак, ундаги кино, сурат ва овозли ҳужжатларда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида совет ҳукуматининг ўрнатилиши, Бухоро халқ Совет Республикаси, Хоразм халқ Совет Республикаси, Туркистон АССР, кейинчалик Ўзбекистон ССРда фаолият юритган давлат жамоат ташкилотлари, халқ хўжалиги, фан-техника, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва санъат, спорт соҳаларига оид маълумотлар тўпланган. Шунингдек кўплаб республикалар вакиллари ва чет эл

давлатлари сиёсий жамоат, фан ва маданият арбобларининг Ўзбекистонга ташрифлари ва ўз вакилларининг бошқа республикаларга сафарлари ҳам акс этган хужжатлар мавжуд.

Бадий овозли хужжатлар сақловида Ўзбекистон, бошқа совет ва чет эл композиторлари асарлари, халқ музыкалари, шеърий, насрий ва драматик асарлар, таниқли кўшиқчиларнинг чиқишлари, халқ ижрочилари, республика мусиқа коллективлари овозли ёзувлари мавжуд.

Шунингдек, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг озодлиги учун “Хужум” ҳаракатини ёритган паранжи ташлаш, митинг ва йиғилишлар, республика аёлларининг съездлари, саводсизликка барҳам беришни акс эттирган кино, фотосуратлар ҳам сақланади.

Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари Миллий архивида (кейинги ўринларда Ўз КФФХ МА) фото хужжатларнинг қимматли томони шундаки, унда машҳур кишиларнинг ҳаёти ва ижоди акс этган ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ўта қимматли фото хужжатлар сақланиб келинмоқда: Шулардан бири ўзбек халқининг фахри ҳисобланган ёзувчи Ойбекнинг ҳаёт фаолиятига бағишланган қимматли фото хужжатлар сақлов бирлигида сақланмоқда.



**0-68535**-рақамли сақлов бирлигида 1957 йилда съезд ўтказилган. Ушбу съезд қатнашчиларининг ёзувчи Ойбек билан суҳбат чоғида муҳрланган. Ушбу сурат 1957 йили Тошкент шаҳрида олинган бўлиб, фото хужжатнинг автори машҳур фотограф Глауберзон ҳисобланади.

Бундан ташқари архив сақланаётган қуйидаги: **0-40708**- сонли рақам билан сақланаётган фотода ЎзССР фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг Тошкент шаҳридаги 33-сонли Москва сайлов округидан республика Олий Кенгаши депутатлигига номзод сифатидалиги даври акс эттирилган. Мазкур сурат 1957 йили Тошкент шаҳрида олинган.

**0-41844-**сонли фото ҳужжатда ЎзССР Фанлар академияси академиги Ойбекнинг фото сурати акс эттирилган бўлиб, ушбу ҳужжат 1958 йили Тошкент шаҳрида фотокадрга муҳрланган.

Шунингдек машҳур ўзбек шоир ва ёзувчиси Мақсуд Шайхзоданинг ижодига таалукли фотосақловлар ҳам қимматли маълумотларни ўзида мужассам этган.

**0-53159-** рақамли ҳужжатда шоир Мақсуд Шайхзоданинг Тошкент Педагогика институтидagi адабий ва ижодий тўғарак аъзоларини совет аскарлари учрашуви муҳрланган. Мазкур сурат 1960 йили Тошкент шаҳрида тасвирга олинган.


**0-72903-** сонли фото ҳужжат унда ўзбек шоири Ўзбекистон Совет ёзувчилар уюшмаси Саид Ахмад тасвирланган бўлиб, ушбу ҳужжат 1958 йили Тошкент шаҳрида суратга олинган.



**0-72907-**сонли архивнинг фото ҳужжатида Саид Ахмаднинг бир гуруҳ ёзувчиларга яъни Уйғун, Мирмуҳсин, Ш.Рашидов, В.С.Милчаков, С.Сомова ва бошқалар даврасида Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллигига бағишланган Фарғона пахтакорлари ҳақидаги янги “Туғилган жойлар” романини ўқиб эшиттирмоқда. Мазкур фото ҳужжат 1949 йили Тошкент шаҳрида тасвирга туширилган.



**0-84626**-сонли фото ҳужжатда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси кенгаши Комил Яшин, ёзувчи Саид Ахмад, ЎзССР халқ шоири Зулфия ва шоир Мавжуда Хакимовалар Тошкент ва Тожикистон адабиёти ва санъатининг ўн йиллигида суҳбати чоғида фото тасвирга туширилган. Ушбу ҳужжат 1968 йил Тошкент шаҳрида суратга олинган.



**1-57266**-сонли Фото суратда ўзбек ёзувчиси Аскад Мухторнинг бир гуруҳ ёзувчилар билан суҳбати акс эттирилган.

Ушбу фото суратлар бевосита XX асрнинг 50-60 йилларида Ўзбекистонда кечган адабий жараёнларни ёритишда муҳим манба вазифасини ўтайди. Зеро ҳар бир сурат ортида тарих яширинган.

Аслида **фотосуратлар** - бу бир томондан воқеа-ҳодисанинг аниқ кўриниши бўлган тасвирий манбалар, бошқа томондан эса бу ёзилган воқеаларга муаллифнинг қарашлари тушинилади.

Фотосуратлар манбавий таҳлили ҳақида айтиб ўтадиган бўлсак, фотосурат ташувчиларни (шиша, кино ёки қоғозда) ўрганишни ўз ичига олади. Биринчи босқичда ижобий фотосуратлар ўрганилади (албомлардаги фотосуратлар, муаллиф фотосуратлар). Салбийларни ўрганишда эса (кино ёки ойнада) камеранинг тури, суратга олиш учун олинган вақт, фотосуратчилар сони тўғрисида маълумот бериши мумкин агар бир вақтнинг ўзида шиша ва плёнкада бир хил ҳодисани қайд этадиган манфийлари бўлса натижаларга эришилади.

Фотосуратларни манба асосида таҳлил қилишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аниқ фотосурат усталарининг ижодий қўлёзмаларини ўрганиш натижаларига, уларнинг одатда филмларни қайта ишлаш усуллари ва позитивларига, ишлатиладиган камераларнинг турларига боғлиқ бўлиши мумкин.

Манба сифатида фотографияни эътиборсиз қолдирадиган омиллар қаторида матн билан солиштирганда тасвирни идрок этишнинг яққол соддалиги ва фотосуратнинг “объективлиги” ҳақида узоқ вақт ҳукмронлик қилиш, таҳлил қилиш учун махсус воситалар керак эмас деган ҳаёлни келтириб чиқаради. Фақат XX асрнинг сўнгги чорагида, фотография маълумот манбаи сифатида қараш тубдан ўзгарди ва ҳозиргача қайта кўриб чиқилмоқда. Замонавий ёндашувларга кўра, фотосурат ўз-ўзидан гапирмайди уни изоҳлаш керак, бу катта жараёнларнинг ижтимоий тарихидан кундалик ҳаётнинг микроанализига, малакали одамлар тажрибасига бағишланган рамзий маънони англатади.

Фотосуратлар ўз даврининг ҳужжатлари бўлиб, улар одатда замондошлар томонидан воқеликни аниқ тасвирга олиш қобилиятига асосланган ишончли маълумотларни олиб юриш сифатида қабул қилинади.

Баъзи манбаларда **Суратли ҳужжат** – предметларни алоҳида тасвирлар сифатида суратга олиш техникаси билан қайд этилган тасвирий ҳужжат маъносини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги “Архив иши тўғрисидаги” Қонунига асосан **архив ҳужжатлари** — фуқаролар, жамият ва давлат учун аҳамияти боис сақланиши лозим бўлган матнли, қўлёзма ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек бошқа моддий жисмлардаги ёзувлар сифатида қаралиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги 101-сон қарорига мувофиқ Фотоҳужжатлар турлари бўйича — турли хил ранг ва ҳажмдаги негативлар, слайдлар (диапозитивлар), позитивлар, фотонашрлар, фотоальбомлар, диафильмлар бўйича тизимлаштирилиши;

архив архив ҳужжатларини сақлаш учун махсус қурилган ёки мослаштирилган бинода (ёки бинонинг алоҳида хоналарида), ёнғин келиб чиқиши хавфи бўлган объектлар (нефть омбори, АЁҚШ, автотураржой, гараж ва шунга ўхшаш бошқа жойлар) ва ҳавони ифлослантирувчи саноат объектларидан (агрессив газлар, цемент чанги ва бошқалардан) узоқда жойлаштирилиши;

архив ҳужжатлари (микро, ксеро, фото нусхаларини олиш, фототаъмирлаш ва бошқалар)дан нусха олиш ва таъмирлаш, плёнкани қайта ишлаш ва аудиовизуал ҳужжатларни техник назоратдан ўтказиш хоналари бўлиши белгиланган.

Бундан ташқари, фотоҳужжатлар қуйидаги:

| Ҳужжатнинг тури                                    | Ҳарорат, С            |                      | Ҳавонинг нисбий<br>намлиги: % |         |
|----------------------------------------------------|-----------------------|----------------------|-------------------------------|---------|
|                                                    | оқ-қора               | рангли               | оқ-қора                       | рангли  |
| фотоҳужжатлар:                                     |                       |                      |                               |         |
| ойна                                               | +15 дан<br>юқори эмас | -5 дан<br>юқори эмас | 40 — 50                       | 40 — 50 |
| плёнка                                             | +15 дан<br>юқори эмас | -5 дан<br>юқори эмас | 40 — 50                       | 40 — 50 |
| фотоқоғоз                                          | +15 дан<br>юқори эмас | -5 дан<br>юқори эмас | 40 — 50                       | 40 — 50 |
| Магнит тасма ва электрон<br>манбалардаги ҳужжатлар | +8 — +18              |                      | 45 — 65                       |         |

нормалар бўйича сақланиши кўрсатиб ўтилган.

Демак, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви сақловидаги ҳар бир сақловга таҳлилий ёндашувни амалга ошириш, уни илмий муомилага киритиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви, Фотоҳужжат, 0-68535-сонли сақлов бирлиги.
2. Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви, Фотоҳужжат, 0-72907-сонли сақлов бирлиги.